



## БУХОРО ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ

*Очилов А. Т, Ph.D*

Тарих Фанлари Бўйича Фалсафа Доктори

*Жўраев Н*

БухДУ магистранти

**Аннотация:** Уибу мақолада Бухорода воҳасида олиб борилган археологик тадқиқот натижаларида ҳунармандчилик ва савдо маҳсулотларининг тарихи илмий таҳлил қилинганд.

**Калим сўзлар:** Бухоро воҳаси, археологик тадқиқотлар, ҳунармандчилик маҳсулотлари, савдо-иқтисодий алоқалар, кўчманчи чорвадорлар маданияти.

### КИРИШ

Маълумки, Бухоро воҳаси тарихий- маданий меросини изчил тадқиқ этишга XIX аср иккинчи ярмидан киришилди. XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб соҳага оид манбаларни умумлаштириш асосида бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Тадқиқотлар туфайли Бухоро воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига доир муҳим маълумотлар илмий муомалага киритилди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

В.Луневанинг бронза даврига оид тадқиқотларида[1] Ўзбекистоннинг хўжалик муносабатлари билан бир қаторда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва савдо-иқтисодий алоқаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиди. Мустақиллик йилларида Суғднинг ilk ўрта асрлар даври манбаларини тадқиқ этиш янги поғонага кўтарилиди. Бу борада ҳам маҳаллий, ҳам хорижлик тадқиқотчилар томонидан муҳим тадқиқотлар амалга оширилмоқда. А.Отахўжаевда [2] ҳам мавзуга доир муҳим маълумотлар, илмий хulosаларини баён этади. Шунга қарамасдан, ёзма манбаларнинг аксар қисми тўлиқ етиб келмаган бўлиб, бу манбалардан Суғднинг мазкур давр ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари хақида муфассал маълумотларни ололмаймиз. Бироқ, Бухоро худудидаги тарихий ёдгорликларда амалга оширилган археологик қазишмалар натижасида қўлга киритилган моддий ашёлар (асосан ҳунармандчилик маҳсулотлари) устида олиб борилган тадқиқотлар бу “кемтик”ни тўлдиради. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясида қадимги давр ашёларини йиғувчи-коллекционерларнинг Туркистон ўлкасида фаол ҳатти-харакатлари натижасида Бухорода ҳам дастлабки қидирав-текширув ишлари амалга оширилди. XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида Туркистон Археология Ҳаваскорлари тўғараги (ТАҲТ) аъзолари бир қатор қидирав-текшириш ишларини олиб бордилар[3]. XX асрнинг 30- йилларидан бошлаб Ўрта Осиё худудларида маҳсус археологик экспедициялар изчил тадқиқотларни амалга ошириб келмоқдалар. Бу тадқиқотларда Бухоронинг қадимги ва ilk ўрта асрлар даври тарихи бўйича муҳим маълумотлар илмий муомалага киритилди. Узок йиллар давомида амалга оширилган изчил археологик қазишмалар илк ўрта асрлар даври Бухоро воҳасининг ҳунармандчилиги тарихи бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилишига асос бўлди.



SCIENCE BOX

# Analytical Journal of Education and Development

Volume: 03 Issue: 01 / Jan-2023

ISSN: 2181-2624

www.sciencebox.uz



Хунармандчиликнинг юксак тарақкий топиши ўз навбатида илк ўрта асрлар Бухорода шаҳар маданиятининг ривожига замин яратди. Айни вақтда хунармандчиликнинг муайян соҳалари ҳамда савдо-сотик ривожида шаҳар тараққиёти муҳим омил бўлди. Шу сабабли мазкур давр ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқалари тарихини тадқиқ этишда шаҳарлар, шунингдек, шаҳар даражасидаги ҳунармандчилик ривож топган йирик қишлоқларнинг ҳам ўрни бекиёс бўлиб, бугунги кунга қадар олиб борилган изланишлар натижасида мавзуга доир Джўракулов М.Ж., Ниязова М.И., Ҳакимов А. А., Фахритдинова Д. А., Пугаченкова Г. А., Муҳамаджонов А. Р., Мукминова Р.Г. каби тадқиқотчилар тадқиқот ва асарларида муҳим илмий хulosалар вужудга келди. Бу тадқиқотларда Суғд шаҳарлари ва ҳунармандчилик марказлари тузилиши ва ривожи билан бир қаторда улардаги ҳунармандчилик ва савдо-сотик масалалари кенг ёритилганлигини кўришимиз мумкин.

Савдо-иқтисодий алоқалар масаласини тадқиқ этишда бевосита археологик қазишмалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ушбу тадқиқотлар натижасида Сўғднинг товар-пул муносабатларига оид муҳим маълумотлар қўлга киритилган. Жумладан, О.И.Смирнова, Э.В.Ртвеладзе, Е.В.Зеймаль, Ю.Ф.Буряков[4] ва бошқа бир қатор тадқиқотчиларнинг асар ва мақолаларида мавзуга доир муҳим илмий хulosалар келтирилган.

Археологик манбалар таҳлилига кўра, Суғд худудига кириб келган кўчманчи чорвадорларнинг аксарият қисми оммавий тарзда ўтроклашади. Бу ҳолат ўз навбатида, кўчманчи чорвадор қабилалар маданиятининг бутун Сўғд бўйлаб кенг ёйилишидан Бухоро ҳам четда қолмайди. Бу маданият энг аввало ҳунармандчиликда яққол кўзга ташланади. Маълум муддат ижтимоий ҳаётда Бухоро воҳасида ҳунармандчилик соҳалари худуднинг ўзида етиштириладиган ва қазиб олинадиган хом ашё асосида кенгайиб борган. Жумладан, биргина қимматбаҳо маъданлар-олтин ва кумушдан тайёрланган буюмлар ҳунармандчилик соҳасида улкан ютуқларга эришилганлигини кузатамиз. Мазкур даврда бу қимматбаҳо маъданлар асосан икки ҳудуддан, Зарафшон дарёсининг юқори оқими бўйлаб Зарафшон тог ёнбағри(араб манбаларида бу худуд Буттам номи остида тилга олинади)да жойлашган конлар мажмуи ҳамда қисман Жанубий ва Шимолий Нурота тоги ёнбағридаги конлардан олинган[5]. Ҳунармандчиликнинг бошқа соҳаларида ҳам бу даврда катта ютуқларга эришилган. Буюк Ипак йўлиниң Шарқий қисмида етакчиликни ўз қўлларига олган суғдийлар ҳам мамлакат миқёсидаги ҳам хусусий савдо жараёнларида фаол иштирок этиб[6], нафакат ҳунармандчилик маҳсулотлари савдосининг, балки, карvon йўли бўйлаб ҳунармандчилик соҳаларининг илғор ютуқ ва тажрибаларини кенг ёйилишида муносиб ўрин эгаллайдилар.

Ички савдо-сотик жараёнларининг ривожланиши энг аввало, мазкур даврдаги товар-пул муносабатларининг ривожи ва пул хўжалигининг хусусиятларига боғлиқdir. Бу борада бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар таҳлили Сўғднинг мазкур даврдаги пул хўжалиги ўзига хос бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, бу даврда Суғднинг таркибий қисмлари ҳисобланган Марказий (Самарқанд), Ғарбий (Бухоро) ва Жанубий Суғд (Қашқадарё воҳаси) ҳудудларида муайян танга пуллар зарб этилган. Тадқиқотлар давомида қўлга киритилган мазкур даврга оид танга пулларнинг зарб этилишида кўшини давлатлар, хусусан, Эрон, Византия ҳамда Хитой тангаларининг катта таъсир ўтказганлиги кўзга ташланади.

Ўрта Осиёда Турк ҳоқонлиги хукмронлигининг ўрнатилиши Эфталийлар даврида юксала бошлаган ташқи савдо-иқтисодий алоқалар ривожини янги босқичга кўтарди. Жумладан, Турк ҳоқонлиги билан муштарак манфаатлар туфайли Бухоро худуди фаол ташқи савдо-



SCIENCE BOX



иктисодий алоқалар жараёнига тортилди. Бу жараёнда Бухоро ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари муайян мулкдаги иқтисодий муносабатлар марказлари бўлиш билан бирга савдо-транзит йўлларидағи муҳим нуқталарга айланди, натижада тайёрланган турли ноёб ҳунармандчилик ишлаб чиқариши маҳсулотларини четга чиқариш имкони кенгайди. Суғдга олиб кирилган ва чиқарилган маҳсулотлар борасида бугунги кунга қадар бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар таҳлили асосида маҳсулотлар тасниfinи тузиш муҳим аҳамият касб этади[7].

Минтақанинг мазкур даврдаги Шарқ мамлакатлари билан савдо-иктисодий алоқаларида кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотиқ муҳим ўрин тутади. Бу жараёнда савдо-сотиқнинг энг қадимги даврда шаклланган маҳсулот айрибошлиш тури кенг ёйилган эди. Жумладан, минтақанинг шимоли-шарқий сарҳадлари билан туташ худудларда яшаган кўчманчи қабилалар орасида Бухоро воҳаси ҳунармандлари томонидан тайёрланган зеб-зийнатлар харидоргир бўлган.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, ҳозирги кунда Бухоро тарихини ўрганиш янги бир босқичга чиққанлигини инобатга олган ҳолда археологик ўрганишда ҳунармандчиликка қаратилган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Ҳунармандчиликнинг тарихий илдизларини ўрганиш ва уни тарихий рекострукция қилиш мамлакатимизда туризм ривожланишида ҳам ўз ўрнига эга ҳисобланади.

## ФОЙЛАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Лунева В. Классификация ювелирных украшений Узбекистана эпохи бронзы (III-II тыс. до н.э.)// Археология, история и культура Средней Азии. Тезисы докладов Международной научной конференции, посвященной 60-летию Э.В. Ртвеладзе. - Ташкент, 2002. - С. 72
2. Отахўжаев А. Суғд қурол аслаҳаси ва чокарлари хақида манбалар // Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг тарихи, бугуни, келажаги. - Тошкент, 2005. - Б. 25-28; Ушбу муаллиф. Ўзбек давлатчилиги тарихида суғд-турк муносабатлари илдизлари // Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. - Тошкент, 2003. Б. 138-144; Ушбу муаллиф. Турк-суғд карвон йўллари-сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник муштараклик // Великий Шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее. - Ташкент, 2006. - С. 145-150. ва бошк.
3. Горшенина С.М. Первые опыты российских и французских археологов в русском Туркестане: методика исследований и судьба коллекций // Культурные ценности-1996. Biblioteka Turkmenia. Международный ежегодник. - Санкт-Петербург, 1998. - С. 69-77; Она же. Туркестанская коллекция Леона Баршевского и ее следы в Узбекистане, Франции, Польше и России // Общественные мнение. Права человека. - Ташкент, 1998. №2. - С. 144-149.
4. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. - М.: Наука, 1981. - 548 с.; Ртвеладзе Э.В. Византийские монеты и индикации из Средней Азии // Древние и раннесредневековые монеты историкокультурных областей Узбекистана. - Ташкент, 2002. Том I.
5. Из истории добычи полезных ископаемых в верховьях Зарафшана // Материальная культура Таджикистана. - Душанбе, 1987. Вып.4. - С.155-175.
6. Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. - Тошкент: УзМЭ, 2007. - Б.



166-220.

7. Пугаченкова Г. А. Привозные художественные изделия на Среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути // Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тез.докл.межд.семин. ЮНЕСКО. - Самарканд, 1990. - С.178-179; Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах империи Тан. - М.: ГРВЛ, 1981.
8. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
9. OCHILOV, Alisher. "JEWELRY TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
10. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: BASED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
11. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938.
12. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
13. Ochilov A. Бухоро воҳасининг қадимги антропоген ландшафтида Сармишсой дарасининг тутган ўрни //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
14. Ochilov A. XIX асрдаги чет эл сайёҳлари асарларида Бухоро воҳаси маданиятининг ёритилиши //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.